# Касаба уюшмаси ҳаёти

Владимир ГОНЧАРИК:

## ҚУЛЛУҚ ҚИЛАМАН



***ИЛГАРИ** хабар берилганидек, Тошкентда Ўзбекистон ва Белорус республикалари касаба уюшмалари Федерациялари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган шартнома имзоланди. Мухбиримиз шу маросимдан сўнг Белорус республикаси касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Владимир Иванович **ГОНЧАРИККА** мурожаат этиб, янги шартноманинг аҳамияти ва ҳозирги қийин шароитда меҳнаткашларни социал ҳимоялаш йўлида касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилди.*

— ЭНГ АВВАЛО ҳар иккала республика касаба уюшмалари Федерацияларн ўртасидаги анъанавий ҳамкорликни яна йўлга қўйиш юзасидан ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билдирган қимматли таклиф учун ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман,— деди Владимир Иванович.— Биз имзолаган шартнома собиқ СССРнинг парчаланиши оқибатида маълум муддат узилиб қолган сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни яна тиклашга, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шартномани биз беш йилга мўлжаллаб ўзбек, белорус ва рус тилларида туздик. Беш йил давомида ҳар иккала томон ўртасида ҳеч қандай эътирозлар бўлмаса шартноманинг амал қилиш муддати яна шунча муддатга узаяди. Ўйлайманки, шартномамиз умри боқий бўлади. Шу асосда биз мавжуд муаммоларни биргалашиб ҳал этамиз, халқларимиз турмуш фаровонлигини ошириш йўлида янги марраларни эгаллаймиз. Бунга ишончим комил.

Белорус касаба уюшмалари сафига 5 миллион 300 мингдан ортиқ киши бирлашган. Бизда кончилар, эркин касаба уюшмаси ташкилотлари, меҳнат конфедерацияси каби муқобил ташкилотлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Афсуски, улар кўпроқ митингвозликлар билан шуғулланиб омманинг фикрини чалғитмоқдалар. Сиёсий партиялар ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Улар ҳам ҳокимият учун курашиш билан овора. Оқибатда республикамиз иқтисодиёти тобора таназзулга чўкиб бораяпти. БУ СОҲАДА СИЗНИНГ РЕСПУБЛИКАНГИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЕТган ишларга ҳавас билан боқса арзийди.

Ўтган ойларда биз 15 фоиз миллий даромадни йўқотдик. Бу йил қишлоқ хўжалиги ҳам қурғоқчиликдан катта зарар кўрди. Нарх-навонинг тинмай ошиб бораётганлиги оқибатида кўпгина корхоналарнинг хом ашё олишга қурби етмай қолаяпти. Ишчиларниг аксарияти корхонада иш йўқлиги учун ҳақ тўланмайдиган отпускага чиқариб юборилаяпти. 12 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчи беиш юрибди. Солиқ сиёсати иқтисодий аҳволни яна ҳам мушкуллаштираяпти. Маҳсулотлар нархи кўтарилиб кетганлиги учун аҳолининг ҳарид қуввати тобора пасайиб бораяпти.

Ҳозир бизда иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори ойига 1000 сўмни ташкил этаяпти. Бу жиҳатдан Ўзбекистон бизга намуна бўла олади. Республикангиз Президенти Ислом Каримовнинг кейинги Фармони билан сизларда иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз миқдори 1 октябрдан бошлаб 2000 сўм миқдорида белгиланибди. Бюджет ҳисобидаги муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи 1,6 баробар оширилганлиги нур устига аъло нур бўлибди.

Биз бу масалаларни энди Олий Кенгаш олдига қўймоқчимиз. Тўғри, сентябрда маошлар 1,5 баробар ошди. Лекин бу ҳали кам. Нарх-наволар маошга қараганда ўн чандон тезроқ ошаяпти. Шунинг учун аҳолини социал ҳимоялаш биз учун бош вазифа бўлиб қолаверади.

Мен шартномани имзолаш баҳонасида ўзбек диёри, ўзбек халқ ҳаёти билан яқиндан танишиш бахтига муяссар бўлдим. Ўлкангизда биринчи марта бўлишим. Шу боисдан ўзимни мўъжизалар маконида юргандек ҳис этдим. Айниқса, Самарқанднинг тарихий обидалари менда катта таассурот қолдирди. Меҳнат жамоаларида бўлган учрашувлар хотирамда узоқ вақт сақланиб қолади. Меҳмондўстлик ва эътибор учун ўзбек биродарларимга қуллуқ қиламан ва улардан ўз юртимда кутаман. Ахир, меҳр икки кўзда дейдилар-ку.

# ЁТОҚХОНА— ИККИНЧИ УЙ

### Ишчилар ва талабалар ётоқхоналарида аҳвол қандай?

ЁТОҚХОНА — ишчилар ва талабаларнинг иккинчи уйи. Иш унуми, ўқув сифати кўп жиҳатдан ётоқхоналардаги маиший шароитларга боғлиқ.

Ҳозир биз билан ёнма-ён ишлаётган ходимларнинг кўпчилиги ётоқхона ҳаётини яхши билишади. Чунки улар талабалик йилларини кўпроқ ётоқхоналарда ўтказишган. Шу боисдан ётоқхоналарда истиқомат қилаётган кишиларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишни, улардаги шароитни яхшилашни биринчи галдаги вазифа деб билмоқдалар.

Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимида ўнта ётоқхона бор. Уларнинг еттитасида ишчилар истиқомат қилишаётган бўлса, учтасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари яшаб билим олмоқдалар. Тизимимизда янги ётоқхоналар қуриш ва мавжудларидаги шароитларни яхшилаш юзасидан кейинги йилларда маълум ишлар қилинди. Тошкент матбаачилик комбинати ишчилари учун 65 оилага мўлжаллаб оилавий ётоқхона бунёд этилди. Оила қурмаган ёшлар учун эса 270 ўринли ётоқхона мавжуд. Ҳар иккала ётоқхона ҳам санитария-маиший хоналарга эга. Қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан юз фоиз таъминланган. Ўтган йили ётоқхоналарни намунали сақлаш учун 234,5 минг сўм сарфланди, бу йил эса 476 минг сўм сарфлаш кўзда тутилаяпти. Уларнинг биргина жорий ремонти учун ўтган йили 62 минг сўм сарфланган бўлса, бу йил салкам юз минг сўм сарфланаяпти.

«Шарқ» концернининг 182 ўринга мўлжалланган уч қаватли ётоқхонаси ҳам намунали ҳолда сақланаяпти. Бу ерда ҳозир 102 киши истиқомат қилаяпти. Бино тўла капитал ремонтдан чиқарилди, сув ва иситиш тизими янгиланди, санузеллари алмаштирилди. Биринчи қаватда тантаналар хонаси очилди, ўқув хонаси ташкил этилди. Ҳовлида кир ювиш корхонаси ишлай бошлади. Ҳар бир қаватда телевизор, совутгич бор. 12 ўринли буфет ишлаб турибди. Таомлар арзонлаштирилган баҳода сотилаяпти.

Тошкент давлат консерваториясининг Анҳор бўйидаги 261 ўринли ётоқхонасида ҳам талабалар учун етарли шароитлар яратилган. Ётоқхонани жорий ремонтдан чиқариш учун бу йил 48 минг сўм ажратилди. Ҳозир барча санитария-маиший хоналари тўла ремонтдан чиқарилаяпти. Спорт зали эса ремонт қилиб бўлинди. Энди спорт жиҳозлари сотиб олинса бас. Талабалар шу ернинг ўзида спорт билан шуғулланаверишади.

Сир эмас, илгарилари ётоқхоналарга етарлича эътибор берилмасди. Касаба уюшмаси фаоллари ҳам бу масала билан жиддийроқ шуғулланмасдилар. Лекин кейинги пайтларда ётоқхоналарга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Корхоналар ва ўқув юртлари касаба уюшмалари қўмиталари ишчилар ва талабаларнинг маиший турмушини яхшилаш масалаларига кундалик ишдек қарай бошладилар. Касаба уюшмаларининг талаби билан ҳатто уй-жой бинолари ҳам четдан келиб ўқиётган талабаларга бўшатиб берилмоқда. Ҳамза районида шундай қилинди. Район ҳокимиятининг қарори билан авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли иккита турар-жой биноси физкультура институти талабаларига берилди. Ҳозир институтнинг 98 фоиз талабаси ётоқхоналар билан таъминланган. Фақат 2 фоиз талаба ижарада яшаяпти. Ижара пулининг маълум миқдорини институт тўлаяпти.

Шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ётоқхоналардаги аҳволни мунтазам текшириб, ишчи ва талабаларнинг моддий-маиший шароитини яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўраяпти. Биз ўтган йили ётоқхоналарни жиҳозлаш, спорт жиҳозлари, чолғу асбоблари сотиб олиш учун 14 минг сўм ажратган бўлсак, бу йил ўз йўлимиз билан 50 минг сўм сарфлаяпмиз. Талабалар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳам диққат-эътиборимизда турибди. Ўтган йили парҳез таомларига эҳтиёж сезганлар учун 448 та йўлланма ажратдик. Бу йил ҳам талабалар илтимоси имкони борича қондирилаяпти. Ҳозиргача уларга 500 дан ортиқ йўлланма берилди. Айни пайтда «Боровое» саёҳат-ёшлар комплексида дам олиш учун уларга ёзда 15 та йўлланма берилди.

Талабалар ётоқхоналарининг аҳволи қўмитамиз раёсатида бир неча бор муҳокама қилинди. Маданият вазирлиги вакиллари билан биргаликда ётоқхоналардаги аҳволни икки марта текшириб чиқдик. Текширув якунлари вазирлик коллегиясида тингланди. Муҳокама давомида яқин келажакда Ҳамза номли, Беньков номли билим юртлари учун янги ётоқхоналар қуриб бериш, бир қатор институтлардаги мавжуд ётоқхоналарни кенгайтириш, капитал ремонт қилиш зарурлиги уқдирилди.

Бу талабларнинг қўйилиши бежиз эмасди. Беньков номидаги республика бадиий билим юртида ўқиётган талабаларнинг 80 фоизи четдан келган. Улар ётоқхона йўқлиги учун хусусий уйларда ижарада туришга мажбур бўлмоқдалар. Ҳамза номидаги музика билим юртида ҳам аҳвол шу. Бу ерда билим олаётган 440 талабанинг аксарияти бошқа вилоятлардан келган. Улар учун эса ётоқхона қурилмаган. Ҳаммалари ижарада яшаб ўқишаяпти. Бу ерда талабаларнинг овқатланишини ташкил этиш ҳам қониқарсиз аҳволда. Ошхона учун жой йўқ. Буфет эса тор. Барча талаба ва ўқитувчилар эҳтиёжини қондира олмаяпти. Бу муаммолар ҳукумат йўли билан ҳал этилмаса, ўқув юртларининг кучи билан бажариш амри маҳол. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг эътиборини ётоқхоналар муаммосига қаратишга мажбур бўлмоқдамиз. Ўйлаймизки, бу муаммоларни биргалашиб ҳал этса бўлади.

**Ғафур ҒУЛОМОВ,**
**Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси.**

## ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА

Қува консерва заводининг ёш технологи, ишчан йигит Саидмаъмур Холматов райондаги «Бўстон» жамоа хўжалиги раҳбарлари билан келишиб, бу ерда кичик корхона очди. Дори омборхонаси тозаланиб, 127 минг сўм пул сарфланиб жиҳозланган бу цех қисқа вақт ичида қишлоқ аҳлининг кунига ярай бошлади. Аҳолидан мева-чева қабул қилиниб, ҳар ойда 14 минг банка компот ишлаб чиқарилаяпти.

Энг муҳими қишлоқ ёшларидан 17 киши бу ерда иш билан таъминланди. Ҳозирда Муножатхон Маматова, Дилфуза Ваҳобова, Ҳусанбой Парпиев, Бахтихон Қўзиева, Ўлмас Ҳамроқулова каби ёшлар тездаёқ касб ўрганиб олиб, топшириқларни аъло даражада бажараяптилар.

## МАДАНИЙ ХИЗМАТ КУЧАЙСИН!

**ЎЗБЕКИСТОН касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раёсати пахта йиғим-терими қатнашчиларига кўрсатилаётган маданий хизматни янада кучайтиришга қаратилган қарор қабул қилди.** Қарорда маданий хизмат кўрсатишни ташкилий жиҳатдан таъминлаш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилди. Касаба уюшмалари қўмиталари ва кенгашларига клублар, кутубхоналар, бадиий ҳаваскорлик жамоаларини зарур молиявий ва моддий воситалар билан таъминлаш вазифаси топширилди. Йиғим-терим жараёни касаба уюшмаси матбуотида кенг ёритиб бориладиган бўлди.

Раёсат қарори асосида жойларда теримчиларга маданий хизмат кўрсатиш учун бадиий ҳаваскорлик жамоаларидан иборат агитбригадалар тузилмоқда. Давлат маданият муассасалари билан биргаликда теримчиларга хизмат кўрсатиш жадвали ишлаб чиқилмоқда. Касаба уюшмаларига қарашли бадиий ҳаваскорлик жамоалари ва кутубхоначилар бевосита дала шийпонларида хизмат қилмоқдалар. Теримчилар яшайдиган жойларда кино ва видео фильмлар намойиш этилмоқда.

Терим мавсуми давомида бевосита дала бошида ижодкорлар билан учрашувлар, спортчиларнинг чиқишлари уюштирилади. Намунали хизмат кўрсатаётган жамоалар рағбатлантириб бориладн.

## ТЕЗКОРЛИК БИЛАН

ЖИЗЗАХ районидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалигида уруғлик пахта тезкорлик билан терила бошланди. Йиғим-теримда илғорлик қилаётган Ж. Ербекова, Ш. Абдухалилова, Б. Эргашевалар эгат бошидаёқ терган пахтасига нақд пул олишмоқда. Теримчиларга ҳар килограмм пахтаси учун 2,5 сўмдан пул тўланмоқда.



# АТТОРИНГ ҚУТИСИ

## МАОШ ЎРНИГА ТУХУМ

● УЛАН-УДЭДАГИ паррандачилик фабрикасининг ишчиларига бу галги маош пул ўрнига тухум билан тўланди. Фабрика маъмурияти пул йўқлигидан бундай қарорга келгани йўқ, аксинча, пул сероб фақат тухумлар қимматлиги учун дўконларда туриб қолмоқда. Бу нарса ўз-ўзидан омборларда, ҳатто фабрикаларда ҳам тухумларни кўплаб тўпланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Масалан, бир кунда 5 миллиондан 7 миллионгача тухум сотилмай қолиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам маъмурият тухумларни айнитиб қўймасдан ўз ишчиларига маош тариқасида тарқатишни афзал кўрган.

## МАФИЯ БОШЛИҒИНИНГ БОШИ УЧУН 1,5 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

● БРАЗИЛИЯНИНГ «Глобу» телекомпанияси Колумбия ҳукумати гиёвандлар маҳфиясининг бошлиғи Побло Эскаберннинг қаердалиги тўғрисида ким хабар берса, унга 1,5 миллион доллар мукофот топширилишини хабар қилган. Бундан ташқари, хабар берган одамнинг кимлиги қаттиқ сир сақланиши кафолатланган ва хавфсизлиги тўла таъминланади, дейилган.

2 миллиард доллар сармояга эга бўлган Эскабер бундан икки ой муқаддам ўзи учун қурилган «Энвигадо» қамоқхонасидан қочиб кетган эди.

## ЛАБИ ҲОВУЗ ҚАҲ-ҚАҲАСИ

— ОДАМЛАРУ одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар! Лаби Ҳовузда кулги байрами бўлади. Хўжа Насриддин келади. Борганлар шодонда, бормаганлар армонда қолади!!!

Вилоят драма ва комедия театри артисти З. Каримовнинг жарчи либосини кийиб, кўчама-кўча карнай-сурнай садолари остида ҳайқириши бухоролик қарияларнинг кўзи ўнгида қадимий анъаналарни жонлантирди. Ёш-яланглар жарчи кетидан югуришиб, эртага нима бўлишини янада аниқроқ билишга интилишар, қулоғи оғирроқ қарияларга тушунтиришарди.

Эртаси куни нонушта пайтида қўша-қўша карна-ю — сурнайлар садолари Лаби Ҳовуздан бутун шаҳарга таралди. Лаби Ҳовузга одамлар дарёдек оқиб кела бошлашди. Кечаги жарчи бугун Хўжа Насриддин либосида эшагига миниб, қизиқ-қизиқ латифалар айтиб, одамларни кутиб олмоқда. Унинг ёнгинасида эса эшак миниб турган Афандининг ҳайкали ҳам «Хуш келибсиз, кулги байрамига!» дегандай, кишиларга табассум бахш этарди.

Минбарга Бухоро шаҳар ҳокими М. Ғуломов кўтарилиб, кулги байрамига йиғилган барча шаҳар аҳолисини Хўжа Насриддиннинг яна ўз юртига қайтганлиги, Хўжа Насриддиннинг республика жамияти ташкил топганлиги муносабати билан қизғин табриклади. Шундан кейин латифагўйлик, қизиқчилик бошланиб кетди. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Неъмат Аминовларнинг чиқишлари билан қаҳ-қаҳа, қаҳ-қаҳаларга уланди. Бухоро давлат қўғирчоқ театри «Хўжа Насриддин Бухорода», «Чодир жамол» спектаклларидан парчалар кўрсатди. «Мохи Ситора» халқ фольклор-этнографик дастасининг ўзбекча ва тожикча лапар, рақслари, вилоят давлат филармонияси артистларининг концерти ҳазил-мутойибага, қаҳқаҳага бойлигини намойиш этдилар. Айниқса, халқ орасидан чиққан вобкентлик кекса қизиқчи Жалол бобо Халиловнинг қўшиқлари, қоракўллик эр-хотин Акром Эргашев билан Адолат Эргашеваларнинг чиқишлари ҳам кулги ишқибозларида катта таассурот қолдирди.

Э, Гули,
Дадангда борми «Жигули»?!

Бу сатрлар Бухоро шаҳридаги 26-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Боймурод Ҳайитов томонидан антиқа вазиятда ижро этилганида кулгидан Лаби Ҳовуз суви чайқалгандек бўлди.

Навбат латифагўйликка келади:

—Бир куни Афанди кўчада кетаётиб ёш болакайни учратиб қолибди, деб ўз латифасини бошлайди когонлик Фарҳод Шодиев.— Бундоқ разм солса, боланинг усти-боши шилта ҳўл. Дарров Афанди болани уйига олиб кирибди, уни артиб, кийимларини печкада қуритибди. Бундан боши осмонга етган болакай шундай дуо ўқибди: «Сиз мени қуритдингиз, Сизни худо қуритсин, омин оллоҳу акбар!»...

Саҳнага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти лауреати Теша Мўминов, шоир Самандар Воҳидов, Сулаймон Раҳмон, ёзувчи Муҳаммад Пирриев, Исомиддин Жумаевлар ҳамда вилоят театри артисти Шамсиддин Йўллиевлар бирин-кетин кўтарилишади. Айниқса, латифагўй ёзувчи Азиз Абдураззоқ айтган латифалар қисқа-қисқа кулги портлашларига сабаб бўлди.

— Афандининг иккита хотини бор экан,— дейди Азиз Абдураззоқ,— у иккала хотинини сайр эттириб, Лаби Ҳовузга олиб келган экан. Улар Лаби Ҳовузга тикилиб туриб, иккковлари баробар шундай савол беришибди:

— Дадаси, қайси биримизни яхши кўрасиз?

— Икковингни ҳам!

— Унда айтинг-чи, мабодо, шу улкан ҳовузга иккаламиз тушиб кетсак, қайси биримизни қутқарардингиз?

Бу савол Афандини андек ўйлантириб қўйибди. У шу ондаёқ катта хотинига қараб дебди:

— Меҳри, сен сузишни биласан-а?!

Навбат ёзувчи Йўлдош Муқимовга берилади: У ўзининг якунловчи сўзида Бухоронинг Габроваси ҳисобланган Вобкентнинг Ширин қишлоғида Хўжа Насриддиннинг рамзий қабри бунёд этилажагини, бу қабр худди латифада тасвирланганидек ён-вери очиқ бўлиб, унга эшик ўрнатилишини, тепа қисмини эса Афанди бузиб чиқиб кетганини англатувчи тарзда бўлишини тушунтирди. Шундан кейин кулги байрами танлови ғолибларига ҳакамлар ҳайъати тавсияси билан совринлар улашилди.

Хуллас калом, ҳар йили Бухорода Хўжа Насриддиннинг кулги байрами куни нишонланиб туриладиган бўлди...

**Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ.**




# ҚЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙМИЗ, АЗИЗЛАР!

**ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН**

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» 64560
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи

64560
(нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ»
(нашр номи)

обуна бахоси
янги манзилга юбориш
баҳоси сўм
обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

**ҚОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ОБУНАСИ УЧУН**

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» 64561
(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи

64561
(нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ»
(нашр номи)

обуна бахоси
янги манзилга юбориш
баҳоси сўм
обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

# МАЙДОНДА МАТЛУБОТ-ЧИЛАР

ФАРҒОНАДАГИ савдо, умумий овқатланиш ва матлубот жамиятлари ходимлари вилоят касаба уюшмалари қўмитаси ўз тармоқларига қарашли ишчи-хизматчиларнинг соғлиқларини ўйлаб, бу соҳада ишловчилар орасида спортни ривожлантириш учун турли ибратли мусобақаларни ўтказиб келишмоқда. Яқинда вилоятдаги Қўқон ҳамда Фарғона районларида спортнинг 5 тури бўйича ўтказилган беллашувлар ҳам бунга яққол мисолдир. Спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича икки ой ичида ўтказилган гуруҳ мусобақаларида Қўқон зонасидан Ўзбекистон, Фарғона зонасидан эса Охунбобоев район матлубот жамиятларининг спортчилари ғолиб чиқишди.

Шаҳмат бўйича Қўқон шаҳар саноат-савдо бирлашмаси, стол тенниси бўйича Фарғона озиқ-овқат идоралари спротчилари ғолиб чиқишди.

Бундай қизиқарли мусобақаларни уюштиришда вилоят касаба уюшмаси қўмитаси ходимларидан Ғуломжон Ризаев, Раҳматулла Махсунов, район матлубот жамиятлари касаба уюшмаларидан ўзбекистонлик Одилбек Холиқбердиев, охунбобоевлик Алижон Обидов, фарғоналик Абдулҳақ Қаттабоевлар сидқидилдан жонкуярлик қилишиб барча ишларга бош-қош бўлишди.

**А. ДАМИНОВ,**
**«Ишонч» мухбири,**



# СПОРТЧИЛАР СУЛОЛАСИ

ҚЎПГИНА футбол мухлислари 1962-68 йилларда «Пахтакор» командасининг асосий таркибида ўйнаган ўнг қанот ҳимоячиси, спорт устаси Ривал Зокировни ҳали унутмаган бўлсалар керак. Гарчи Ривал Зокиров вақти келиб спортни ташлашига тўғри келган бўлса ҳам, қадрдон командасига бўлган муҳаббати асло сўнмади. У ҳалиҳалигача спорт кийимларини халтага жойлаб, стадионга боради. Бу ерда «Пахтакор» фахрийлари терма командаси таркибида майдонда тўп тепади. Фахрийларимиз ҳанузгача йиллар давомида эришган етук ўйинлари билан мухлисларини хушнуд этиб келишмоқда.

Ҳамон унинг эсида, ўша кезлари «Пахтакор» стадионида қиличбозлик бўйича республика терма командаси аъзолари ҳам машғулот ўтказишар, командада кўпгина Бутуниттифоқ мусобақаларининг иштирокчиси, спорт устаси, IV Халқаро Спартакиада қатнашчиси, рапирачи Лазокат Хусанова ҳам машқ қиларди.

1968 йилнинг апрель ойида Ривал билан Лазокат танишиб қолишди, турмуш қуришди.

Лазокат узоқ вақт давомида «Зенит» Республика спорт жамиятида қиличбозлик бўйича тренер бўлиб ишлади, ўз билими ва тажрибасини ёш спортчиларга ўргатди.

Ҳозир Лазокат Обидовна Зокирова «Ўзбекистон» физкультура ва спорт жамиятида қиличбозлик бўйича олимпиада резерви Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори бўлиб ишлайди. У республикамизда қиличбозликни ривожлантириш борасида катта ишларни олиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси қиличбозлик федерациясининг масъул котиби.



Зокировларнинг икки қизи — Динора билан Гулнора ҳам оилавий анъанадан четда қолмади.

Ҳозир Динора Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия илмгоҳининг IV курсида ўқийди. У қиличбозлик бўйича спорт. усталигига номзод, республика терма командасининг аъзоси, республика мусобақаларида бир неча марта қатнашиб, соврин олган. Халқаро Х ёзги Спартакиадасида қатнашган.

Унинг синглиси Гулнора рапирада қиличбозлик бўйича тўрт марта Ўзбекистон чемпиони, республика терма командасининг аъзоси. Унинг орзуси опаси каби жисмоний тарбия илмгоҳининг талабаси бўлиш. Опа-сингиллар ўзларининг бутун ҳаётларини спортга бағишлаш ва муайян ютуқларни қўлга киритиш, қолаверса ота-оналаридан ўрганган севимли ишга меҳр ва садоқат билан киришиб, ёш спортчиларни тарбиялаш ниятидалар.

**Л. ЖЕЛНОВАҚОВА.**

## «ИШОНЧ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

***ЯККАТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧЎН** йиллик обуна нархи 208 сўм 80 тийин. (нашр кўрсаткичи — 64560)*

***ҚОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН ГАЗЕТАНИНГ ЙИЛЛИҚ ОБУНА НАРХИ 312 СЎМДИР.** (кашр кўрсаткичи — 64561)*

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

### ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак

Бу ҳолда обуначиларга абокемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

### АЗЙЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бў ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

